


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

ИЛМИЙ АХБОРОТ

С. Эшонова, Ш.Қўлдошев

Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида

Маълумки, дастлаб марҳум жасадини ваҳшийлардан сақлаш мақсадида қабр устига қўйилган катта тошлар, кейинчалик, диний-эътиқодий муносабатларни ҳам ифодалаган. X асрдан бошлаб силлиқ, ясси, қўнғир ва қора тусли, турли катталикдаги оддий қайроқтошлар сиртига марҳумнинг исм-шарифи, нисбаси ва вафоти санаси, кейинчалик, марҳумга оид кўплаб тафсилотлар, жумладан, марҳумнинг диний-эътиқодий мақоми, жамиятда тутган ўрнини кўрсатувчи битиклар *насх, настаълиқ, сулс* ва *девоний* аралаш *сулс* хатида битилган [5; 4: 330-332].


Ана шундай қабртошлардан бири, Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғи Хўжамиришкор ота қабристонида мавжудлиги аниқланди. Шу ўринда, аввало, Ғурумсарой қишлоғи ҳақида сўз юритсак. У Фарғона водийсининг шимолий қисмида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Маъмурий жиҳатдан Наманган вилояти Поп туманининг Меликўзи Умрзоқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган. Ғурумсарой қишлоғининг ташкил топиши ҳақида аниқ маълумотлар ҳали етарлича ўрганилмаган. Қўқон хонлиги тарихига оид қўлёзма манбаларда у *Маҳрамсарой, Маҳрамсарон, Хуррамсарой, Ғурумсарой* шаклида учрайди [2: 282; 3: 88; 1: 18*а*].

Қишлоқда қадимий обидалар, қабристонлар мавжуд. Хусусан, Хўжа Миришкор ота қабристони ҳам шу ҳудуддаги қадимий қабристонлардан ҳисобланади. Юқорида зикр этилган қабртош мазкур қабристонда жойлашган мақбара ичидаги қабрнинг чап томонида жойлашган. Бу қабрга дафн этилган марҳум исмини маҳаллий аҳоли Хўжа Нуриддин ота деб атайди. Шу боис, қабристоннинг иккинчи номи “Хўжа Нуриддин ота қабристони” деб номланади.

Ривоят қилишларича, марҳумнинг аждоди Мисрдан бўлиб, пағамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) хизматларидаги саҳобалардан бири экан. Хўжа Нуриддин ота Ғурумсаройда туғилган, улар оилада 4 оға-ини, икки қиз бўлган. Отасининг қабри Байра шаҳрида, катта акаси Имоми Ҳабиб

қабри Поп тумани Қўштепа қишлоғидаги “Ҳовбува” қабристонида жойлашган. Яна бир акаси Имом Шер Қурвони Вали қабри Ғурумсарой яқинидаги Мозор қишлоғи қабристонидан ўрин олган. Бу қабристон мазкур шахс исми билан номланган. Айтишларича, у киши деҳқончилик билан шуғулланган. Кейинги акалари Хўжа Исмоил қабри Поп тумани Чодак қишлоғида йўл четида жойлашган. Сингилларидан бири Лаъли буви ҳам шу акалари ёнига дафн этилган. Бу марқадни аҳоли Қизларбуви мозори деб атайди. Маҳаллий маълумотларга кўра, мазкур қабристонга Расулуллоҳ даврида хизмат қилган икки нафар саҳобайи киром ҳам дафн этилган экан, исмлари ҳозирча номаълум.

Энди бевосита қабртош матни хусусида фикр юритсак. Матн жигарранг, кесик трапеция шаклидаги ясси қайроққа ўйиб туширилган. Матн икки чизиқли меҳроб шакли ичига жойлаштирилган. Унинг юқориси 3 япроқли лола тасвири билан якунланган. Матн *насх* хатида битилган бўлиб, баъзи диакритик белгилар қўйилган. Бироқ айрим сўзларни ҳозирча ўқий олмадик. Бундай ўринлар арабча матнда (...), тахминий талқинлар ? белгиси орқали, вариантлар () ичида ифодаланди.



Қабртош матни:

1. و هو حي لا يموت
2. هذه تربة رحمت (حمت) بانوار السعادة و حقت
3. بانظار الحسني وزيادة؟ دين فيها من كان سالك
4. المسالك الرشاد الامام الفاضل الكامل الحافظ

5. والدين؟ مولانا نورالدين بن مولانا قطب الدين
6. الغرمسرايي تغمدهماالله بغفرانه بحايج؟ جنانه
7. (...) الرابع عشر من صفر ختم بالخيرفي سلك
8. الشهور سنه تسع و ثمانين و ثمانماية

Таржимаси:

1. *У (Аллоҳ) тирик ва ўлмайди (барҳаёт).*

2. Бу раҳмат (ҳиммат) тупроғи нур ёғдирувчилиги ила

3. чиройли назар ва дин зиёдалиги? ила саодатли ва устувор

4.5. унда [ётган] киши тўғри дин йўлида борувчи [ориф], имом, фозил, комил, дин ҳофизи (қори), Мавлоно Нуриддин ибн Мавлоно Қутбиддин

6. Ғурумсаройи, Аллоҳ улар ҳар иккаласини (отаси ва ўзини) раҳмат қилсин, гуноҳларини мағфират этсин, [жойларини] жаннат қилсин

7. .. ўн тўртинчи сафар (ойи) силкида (яъни кечаю кундуз занжирида)да хайрли якун топди

8. [вафот санаси] 889/1484 йил.

Матндан маълум бўлишича, бу қабртош ўз даврида илми, фазли ва гўзал амаллари билан ҳурмат қозонган, жамиятда имом, ориф, комил қори мақомига эга бўлган Мавлоно Нуриддин ибн Мавлоно Қутбиддинга тегишли. У киши ҳижрий 889 йил сафар ойининг 14, мелодий 1484 йил 13 март куни вафот этган экан.

Мавлоно Нуриддин ибн Мавлоно Қутбиддин ҳақида адабий, тарихий, диний манбаларда, тазкираларда маълумотлар мавжудлигини аниқлаш, у орқали уламонинг таржима ҳоли, ҳаёти ва фаолиятини тиклаш кейинги тадқиқотларда амалга оширилиши режалаштирилди.

Ушбу муъжаз тадқиқотда қабртош матни илк бора ўқилиб, унинг ўзбек тилига таржимаси амалга оширилди. Қабртош битигидаги маълумотлар марҳум исми, нисбаси ва тавсифи маҳаллий аҳоли таърифига мослигини, ривоятларда ҳам ҳақиқат борлигини намоён этди. Уламонинг *мавлоно*, яъни *шайх*, *имом, ҳофиз, яъни қори* бўлгани ҳамда отасининг исмини аниқланиши мавжуд ривоятларни илмий ҳақиқатга айланишига хизмат қилувчи далил бўлди. Айни пайтда тарихий шахс ҳақидаги бундай қимматли маълумотлар бошқа ёзма манбаларда учрамаслиги мумкин. Бу эса қабртош матни – тарихимизнинг яна бир саҳифасини ёритишга, унга аниқлик киритишга хизмат қилувчи ўтмишнинг ноёб артефакти эканини кўрсатди.

С. Эшонова, Ш.Қўлдошев

Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида

Наманган вилояти Поп тумани Ғурумсарой қишлоғи “Хўжа Миришкор ота” қабристонидаги Хўжа Нуриддин ота мақбараси ичида қабртош мавжудлиги аниқланди. Илмий ахборотда мазкур қабртош матни илк бора ўқилиб, таржимаси илмий жамоатчиликка тақдим қилинмоқда. Айни пайтда Ғурумсарой қишлоғига оид манбалардаги маълумотлар, қабристоннинг расмий ва норасмий номи, маҳаллий аҳоли ўртасидаги Хўжа Нуриддин ота исми билан боғлиқ ривоятлар қабртош битигида келтирилган маълумотлар билан муқоясада талқин этилди.

Калит сўзлар: *қабртош, битик, матн, Поп тумани, Ғурумсарой, Хўжа Миришкор ота қабристони, Хўжа Нуриддин қабри.*

С. Эшонова, Ш. Кулдашев

О надгробии в селе Гурумсарой Папского района

Обнаружена надгробная плита внутри мавзолея Ходжа Нураддин-ата на кладбище Ходжа Миришкар-ата в селе Гурумсарай Папского района Наманганской области. Текст и перевод надгробия впервые представляется научному сообществу. Также были истолкованы сведения приведенные в источниках по названии села Гурумсарай, официальное и неофициальное название кладбища, на котором находится могила Ходжа Нуриддин-ата, были сравнены легенды местных жителей о Ходжа Нураддин-ата с данными написанных в надгробии.

Ключевые слова: надгробный камень, надпись, текст, Папский район, Гурумсарай, кладбище Ходжа Миришкар-ата, могила Ходжи Нураддина.

S. Eshonova, Sh. Kuldashev

About the tombstone in the village of Gurumsaray Pap district

A tombstone was found inside the mausoleum of Khoja Nuraddin-ata at the Khoja Mirishkar-ata cemetery in the village of Gurumsaray, Pap district, Namangan region. The text and translation of the tombstone is presented to the scientific community for the first time. The information given in the sources on the name of the village of Gurumsaray was also interpreted, the official and

unofficial name of the cemetery where the grave of Khoja Nuriddin-ata is located, the legends of local residents about Khoja Nuraddin-ata were compared with the data written in the tombstone.

Keywords: *gravestone, inscription, text, Pap district, Gurumsaray, Khoja Mirishkar-ata cemetery, Khoja Nuraddin's grave.*

Фойдаланилган адабиётлар

1. Муҳаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фарғона, ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 5971.
2. Муҳаммад Ҳакимхон. Мунтахаб ат-таворих (тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима. Кириш ва изоҳлар муаллифи Ш. Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари Д. Сангирова, Ш. Юнусов. Тошкент, 2010.
3. Худоёрхонзода. Анжум ут-таворих / Тожик тилидан таржимон Ш.Воҳидов. Кириш, изоҳлар ва факсимиле нашри муаллифлари Ш.Воҳидов., Ҳ.Бобобеков. Тошкент, 2012.
4. Эшонова С. Отражение социальной иерархии Ферганы на надгробных памятниках (X–XIX вв.). / XXX Международный конргресс по источниковедению и историографии стран Азии и Африки. К 150-летию академика В.В. Бартольда (1869-1930). Т.2. Санкт-Перетбург, 2019. С. 330-332.
5. Ҳасанов Ғ. Шарқдан таралган нур. // http://www.uza.uz/oz/programs/25-years/shardan-taralgan-nur-24.04.2014.